

5-Мавзу. Туроператор ва турагентликлар фаолияти ривожланишининг асослари

Режа

1.Туроператор ва турагентлар фаолияти ривожланиши ва уларнинг асосий вазифалари.

2.Туроператорларнинг фаолиятини ривожлантиришда технологиялардан унумли фойдаланиш

3.Ўзбекистонда туроператор ва турагенлик фаолиятининг ривожланиши.

4. Ўзбекистондаги йирик туроператорлик фирмалари. .


1. Туроператор ва турагентлар фаолияти ривожланиши ва уларнинг асосий вазифалари.

Туроператорлар ҳар доим уз турагентлари билан ишлаши - улар билан туристик сафарларининг шартларини урганиш буйича, молиявий ишларни олиб бориш буйича, битимларни расмийлаштириш ҳукуки буйича, сугурта ва бошқалар буйича уқув семинарлари утказиши шарт.

Туроператор ва турагентнинг бир-бирлари олдидаги, клиентлар олдидаги масъулиятларининг масалалалари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, туроператор маршрут, дастурлар, хизмат килиш шартларига риоя килишга жавоб берса, ташаббусчи туроператор чет эл визаларини кучириш, расмийлаштириш учун ҳам жавоб беради.

Турагент клиентларнинг туристик сафари шартлари ҳақидаги тугри ва тулик маълумотлари учун, уларга уз вақтида ҳамда тугри жой банд килиш, турнинг тулик ҳақи учун ундан ташқари турни бекор килиш шартларига ёки уни узгартиришга ва бошқаларга риоя килиш учун жавобгарликни уз буйнига олади.

Туроператорлар ишини ривожланишнинг асосий мақсадлари	Мақсадга эришиш учун қўйилган вазифалар
1 Иқтисодий ўсиш – таъминлаш кўпроқ миқдорда товарлар ва аъло сифатли хизматлар ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли турмушининг юқорироқ даражасини таъминлаш.	Туризмининг янги иқтисодий моделини шакллантириш жараёнида давлат–ташкилий бошқарув тузилмаси етакчи роль ўйнайди, аммо цивилизациялашган бозор ва ўз–ўзини бошқаришга ўтиш давомида бу тизим давлат туризми тизими билан - мослаштирилган бошқарув шакли билан алмаштирилади.
2. Халқаро туризмнинг энг кам харажатлар сарфлаб, максимал даромад олиш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги.	
3. Мамлакатнинг турли минтақаларида яшовчи аҳолининг маърифий–маданий савиясини ошириш - жаҳон цивилизациясини, маданияти ва санъатини таниш.	
4. Юқори сифатли қўшимча хизматлар кўрсатиш.	
5. Чет эллик туристларнинг туризм хизматларига бўлган талабини ривожлантириш ва ошириш йўли билан давлат бюджетига валюта тушумларини таъминлаш, бу аҳолининг халқ хўжалигида бандлик соҳасини кенгайтиришга имкон беради.	Туризмнинг мослаштирилиши акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиш ҳисобига пул маблағларини ишлаш ва уларни туризмнинг моддий–техник базасини шакллантиришга йўналтиришга, туризм индустриясини янги сифат даражасида шакллантиришга имкон беради.



2.Туроператорларнинг фаолиятини ривожлантиришда технологиялардан унумли фойдаланиш

1.

- **Ахборот коммуникация технологиялари**

2.

- **Қайта ишлаш технологиялари**

3.

- **Ноотехнологиялар**

3. Ўзбекистонда туроператор ва турагенлик фаолиятининг ривожланиши.

1.

- Ўзбектуризм МКнинг ташкил этилиши

2.

- Туризмда хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши

3.

- Меъёрий ҳуқуқий асосларнинг яратилиши

**Ўзбекистон Республикасида 2005-2010 йилларда туризм соҳаси учун
олий ва ўрта махсус касб хунарли кадрларни тайёрланиши
кўрсаткичи (киши ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2005й	2006й	2007й	2008й	2009й	2010й	Жами 2005-2010 йй.
Жами	306	349	357	366	374	284	2063
Шундан:							
Олий маълумотлилар	181	155	158	162	165	169	990
Ўрта махсус касб хунарлилар	125	194	199	204	209	115	1046


Маълумки, ҳозирги кунда туристик ташкилотларда фаолият кўрсатаётган кадрларнинг кўпчилиги ёши катта бўлиб, улар туристик хизматлар кўрсатиш борасида таянч билимларга эга эмаслар. Шунинг учун ҳам кадрларни профессионал тайёрлаш жараёнида қуйидаги бир қатор омиллар ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўларди:

профессионал тайёргарликдан ўтаётган ходимнинг ёши қанчалик катта бўлса, унга шунчалик кўп даражада индивидуал ёндашувни ривожлантириш керак;

катта ёшдаги ходимлар ўқитишнинг деярли замонавий ва фаол шаклларига дуч келишмаган.

Туристтик фирмалар кадрларини профессионал тайёрлаш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

профессиял тайёрлаш қабул қилинган маълумот ва тажрибаларни фаол равишда қайта ишлаб чиқишни характерловчи жараён ҳисобланади;



профессиял тайёрлаш аниқ мақсадга йўналтирилган ўқитиш жараёни бўлиб, у илгари ўзлаштирилган билим ва тажрибаларни тезкорлик билан янги билим ва тажрибалар билан алмаштириш имконини беради;



профессиял тайёрлаш кадрларни ҳам функционал ривожланишини ҳам халқаро даражадаги ривожланишини таъминлайди;



профессиял тайёрлаш фирмадаги психологик муҳитга бевосита боғлиқдир.

4. Ўзбекистондаги йирик туроператорлик фирмалари

**"Salambo
Traveling"**

телефон:
(99871)
281-30-85

"Mard Ulugbek"

телефон: (99871)
235-62-25

**"Toshkent-
Tur"**

телефон:
(99871)
232-00-26

"Vest Tour"

телефон:
(99871)
246-11-48

"Urgut Sayyoh"

телефон: (8366)
483-48-42

Elite Tours"

телефон:
(99871)
229-77-77

"Simurg Travel"

телефон: (99871) 150-35-53

«YASMINA TOUR» туристик фирмаси туроператори томонидан таклиф этилаётган транспортни ижарага бериш ва транспорт хизмати

1. Chevrolet Cobalt



Комфортабельный автобус марки **“UzISUZU”**. Для групп до 20 человек. Стоимость аренды автобуса в пределах города Ташкент (до 100 км, рабочий день не более 8 часов) от 100\$ в день. Стоимость трансфера аэропорт-отель, либо отель-аэропорт от 30\$ до 40\$. В пределах ташкентского региона: стоимость аренды автобуса, включая проживание и питание водителя - от 50\$ с пробегом в день не более 500 км.

Автобус марки **“MERCEDENZ BENZ 0303”**(с кондиционером от 40 до 51 места). Для групп от 20 до 45 человек. Комфортабельный автобус туристического класса. Стоимость аренды автобуса с двумя водителями в пределах города Ташкент(до 100 км, рабочий день не более 8 часов) от 150\$ в день. Стоимость трансфера аэропорт-отель, либо отель-аэропорт от 40\$ до 50\$. В пределах ташкентского региона: стоимость аренды автобуса с двумя водителями, включая их проживание и питание - от 200\$ с пробегом в день не более 500 км.

